ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Вашингтондаги Смитсониан музейлари мажмуасининг Артур М. Саклер галереясида шу йил 23 апрель куни Гвидо Голдманнинг «Икат: Марказий Осиё нафис ипаклари» коллекцияси кўргазмаси иш бошлади.

Унда XIX асрда Ўзбекистонда ишланган, халқимизнинг кўп асрлик нафис санъатини ўзида мужассам этган шойи матолар, адрас чопонлар, Ватанимиз тарихига оид суратлар намойиш этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида АҚШнинг таниқли сиёсат ва маданият арбоблари, Конгресс аъзолари, нуфузли олим ва санъатшунослар, Буюк Британия, Германия, Франция каби бир қанча давлатларнинг дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

АҚШнинг биринчи хоними Ҳиллари Клинтон кўргазманинг очилиш муносабати билан табрик мактуби йўллади. Қуйида эълон қилинаётган мактуб Ҳиллари Клинтоннинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир.

* * *

Смитсониан музейлар мажмуасининг Артур М. Саклер галереясида Гвидо Голдманнинг «Икат: Марказий Осиёнинг нафис ипаклари» коллекцияси кўргазмасининг очилиши маросими қатнашчиларига ўз саломимни йўллашдан мамнунман. XIX асрда Ўзбекистонда тўқилган бетакрор ипак адрас чопонлар ва сўзаналарнинг ушбу ажойиб мажмуаси мен ўтган йили ноябрь ойида зиёрат қилиб, гувоҳи бўлган қадимий Марказий Осиёни кўз олдимда яққол гавдалантиради.

Ушбу кўргазмани жамоатчиликка намойиш этиш бошқа маданиятларнинг ҳаётийлиги ва уларни муҳофаза қилиш ҳақидаги билимни кучайтиришда муҳим аҳамият касб қилади. Бу каби кўргазмалар, турли халқлар маданиятининг кўп қирралилигини қўллаб-қувватлаш орқали, нафақат санъат соҳасида, балки бизнинг мамлакатимиз ва бутун жаҳон учун аҳамиятли бўлган сабр-қаноат ва ўз фикрини эркин ифода этиш каби ғояларга хизмат қилади.

Мен Ўзбекистон ва Қўшма Штатлар халқларининг бир-бирларини яқиндан билишлари ва ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ушбу кўргазма ташкилотчиларига ўз миннатдорлигимни изҳор этаман.

Самимият билан,
Ҳиллари Родэм КЛИНТОН.

Оқ уй,
Вашингтон шаҳри.
1998 йил 23 апрель.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 9 май, шанба • № 55 (22.292).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг таклифига биноан 5-7 май кунлари давлат ташрифи билан Москвада бўлди.

Ўзбек ва рус халқлари алоқаларининг бошланиши узоқ мозийга бориб тақалади. Тарихий манбаларда XVI асрдаёқ туркистонлик ва русиялик савдогарлар ўртасида савдо-сотиқ кенг ривожлангани қайд этилган. Шундан буён 400 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Замонлар, тузумлар ўзгарган бўлса-да, алоқалар тўхтамади.

1991 йили қизил империя салтанати инқирозга юз тутди. Собиқ иттифоқ тасарруфидаги республикалар мустақилликни қўлга киритгач, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларда муайян узилишлар рўй берди. Аслида бу табиий жараён эди. Бироқ, Россиядаги айрим кучлар янги суверен давлатларга эскича андозадаги қарашларини давом эттирди.

Тўғри, Россиянинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти катта. Мамлакат бой хомашё заҳираларига эга. Лекин ҳеч бир давлат, у қанчалик катта ва қудратли бўлмасин, ўз қобиғига ўралиб яшай олмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш, дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик асосида муносабатлар ўрнатиш йўлини танлади. Мамлакатимиз тарихан қисқа даврда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Натижада, кечагина бизга менсимай қараган, Ўзбекистон бизсиз қаёққа ҳам бора оларди, дея бепарво юрган айрим сиёсатдонлар адашганликларини, Россия ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини англаб етди.

Биргина мисол: истиқлолга эришгач, Ўзбекистон ўзининг пахта ва бошқа маҳсулотларини жаҳон нархларида сотишга ўтди. Шунда Россиянинг шўро замонида суврекинга хомашё олиб ўрганиб қолган айрим корчалонлари, Ўзбекистон пахтасини бермаса бермасин, бошқа давлатлардан сотиб олаверамиз, қабилидаги гапларни айтди. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмади. Тезда ким ютқазгани аён бўлиб қолди. Чунки, ўзбек пахтаси янада юқорироқ нархларда сотилиб, тағин ҳам кўпроқ мамлакатларга экспорт қилина бошланди.

Россияда эса аҳвол ўзгача тус олди. Кўплаб тўқимачилик комбинатларининг тўхтаб қолиши ишсизликнинг янада кўпайишига, енгил саноат ривожланган ҳудудларда барқарорликнинг издан чиқишигача олиб келди. Аён бўлдики, Россия учун Ўзбекистон керак. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳам чегарасининг ярмини денгиз ва океан ўраб турган, катта имкониятларга эга бўлган Россия билан тенг ҳуқуқлиликка асосланган ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Демак, нуқтаи назарларни, муносабатларни янада ойдинлаштириб олиш, бунинг учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни тағин ҳам мустаҳкамлаш зарур. Президент И. Каримовнинг Москвага буюрган бу галги ташрифи ана шу жиҳатлари билан жуда аҳамиятли бўлди.

Музокаралар икки Президентнинг яккама-якка суҳбати билан бошланди. Улар мамлакатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва уни янада ривожлантириш йўллари, халқаро миқёсдаги, хусусан, Тожикистон ва Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар тўғрисида фикрлашдилар. Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи таҳлил қилинди, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари хусусида фикрлар алмашилди. Шуниси аёнки, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари, хусусан савдо-сотиқ борасида Ўзбекистон ва Россиянинг манфаатлари туташадиган жиҳатлар анча-

(Давоми 2-бетда)

СУРАТДА: яккама-якка суҳбат пайти.

С. ЗУФАРОВ, Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Бу дунёнинг ишлари

КАТТА «САККИЗЛИК» МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

Кеча Англия пойтахти Лондон шаҳрида жаҳондаги энг ривожланган саккиз давлатнинг ташқи ишлар ва молия вазирларининг 2 кунлик учрашуви бошланди. Бу учрашув Бирмингем шаҳрида бўлиб ўтадиган катта «саккизлик» мамлакатлари раҳбарларининг 15-17 май кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги саммити олдидан уюштирилди. Вазирлар доирасидаги бундай учрашув ташкилотчиси Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрдир. Унинг нияти давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида уларнинг вазифаларини енгиллаштиришдир. Айтайлик, бандлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, иқтисодий ўсиш ва улкан энергетика масалаларида давлат раҳбарларига ёрдам бериш унинг мўлжалидир. Вазирлар Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнидаги қийинчиликлар, Болқон атрофидаги вазият, бунда БМТнинг ҳиссасини ошириш, Ироқ ва Эрондаги вазиятни муҳокама қиладилар.

ҲАЙДАР АЛИЕВ 75 ГА ТЎЛДИ

Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев 75 ёшга тўлди. Айни пайтда уни табриклаш учун МДҲ мамлакатларининг вакиллари республика пойтахтига келишмоқда. 9 май куни Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, 10 май куни Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Бокуга етиб келишади.

ТЎҚНАШУВЛАРГА ФАҚАТ МУЗОКАРАЛАР ЙЎЛИ БИЛАН БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Афғонлараро қарама-қаршиликка фақат музокаралар орқали барҳам бериш мумкин. Бунда албатта, сиёсий ва таъсирчан давлат арбоблари ўзаро музокаралар юритишлари зарур. Бу ҳақда Шимолий иттифоқ раҳбарларидан бири генерал Абдулрашид Дўстум баёнот берди. Бу билан у мамлакат тақдирини «Тоҷибон» ҳаракати раҳбарлари кўзда тутганидек, диний арбоблар эмас, балки сиёсий арбоблар ҳал этиш керак демоқчи. Генерал Дўстум куни кеча Теҳрондаги 10 кунлик сафаридан Афғонистоннинг шимолидаги Мозори-Шариф шаҳрига қайтиб келди. У Эрон пойтахтида Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий ва ташқи ишлар вазири Камол Ҳарразий ҳамда ушбу мамлакат юқори ҳукумат органлари вакиллари билан учрашди.

ҲИЛЛАРИ КЛИНТОН МУСТАҚИЛ ФАЛАСТИН ТАРАФДОРИ

«Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Ҳиллари Родэм Клинтон мустақил Фаластин давлати ташкил этилиши тарафдори эканлигини билдирди. АҚШнинг биринчи хоними Яқин Шарқ ёшларининг саммити иштирокчиларига тўғридан-тўғри телевидение орқали мурожаат қилиб, шундай гапларни айтди. У Швейцарияда ўтказилаётган мажлис иштирокчиларига мурожаат қилиб, ўз фуқароларининг тақдирига масъулият билан ёндашадиган мустақил давлат тузилса, кўнгилдагидек иш бўларди, деди. Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, Лондонда ўтказилган Фаластин-Исроил музокаралари муваффақиятсиз якунланди. Вашингтонда 11 май куни бўлиб ўтадиган учрашувда эса Исроил томони иштирок этмаслиги ҳам мумкин. Бироқ АҚШ Президенти Билл Клинтон Фаластин озод давлат бўлишини жуда ҳам қўллаб қувватлаётгани йўқ.

ХДП хабари

ТАРҒИБОТЧИЛАРГА ЁРДАМ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти республика Олий Мажлиси XI сессияси қабул қилган қонунчилик ҳужжатлари ва мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг ушбу сессияда сўзлаган нутқи мазмун-моҳиятини партия аъзолари, аҳоли барча қатламлари ўртасида кенг тарғиб қилишни йўлга қўйиш тўғрисида ХДП ташкилотларига тавсиялар берди. Ушбу масала юзасидан ўтказиладиган мулоқот, маъруза, суҳбат ва бошқа оммавий-сиёсий тадбирлар мавзуларининг Намунавий рўйхати маъқулланди.

Тарғиботчилар, партия фаолларига кўмак тариқасида, Олий Мажлис XI сессияси якунларига доир, Маълумотнома ҳам тайёрланиб, маҳаллий партия ташкилотларига юборилди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

Россия матбуоти саҳифаларида

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МОСКВАГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Россияга қилган давлат ташрифини одатдаги ташрифлардан, деб бўлмайди. Бир-бирига қизиқиш сўниб, бир неча йиллик бегоналашувдан сўнг Москва ва Тошкент мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлашга жиддий киришганлиги маълум бўлди.

Ислом Каримов мазкур ташрифидан сал олдинроқ Москвада ўтган МДҲ саммитида иштирок этган эди. Орадан 5 кун ўтиб, у яна Россия пойтахтига ташриф буюрди. Албатта, бу ўринда ҳеч қандай кутилмаган нарса йўқ. Ислом Каримовнинг саммит учун Москвага келишини ўз-ўзидан давлат ташрифига айлантириб юбориш ҳам мумкин эди. Аммо томонлар ташриф аҳамиятини алоҳида таъкидлаш ниятида воқеаларни бир-бири билан аралаштирмадилар.

Лекин протокол ортида расмиятчиликдан бошқа нарсалар ҳам бор. Бу алоҳида аҳамиятга эга ташриф эди.

Россияда ҳаддан ташқари узоқ вақт мобайнида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин топиш борасидаги ҳаракатларига, Тошкент қаёққа ҳам борарди, унинг мустақилликка интилиши ёш давлатнинг шунчаки ўринишидир, дея ҳавойи муносабатда бўлиб келишди. Бироқ, Ўзбекистон бу хомхаёлларни пучга чиқарди. Географик жиҳатдан аланга олиб турган мамлакатлар қуршовида бўлишига қарамасдан, кўп миллатли бўлган ушбу мамлакат сиёсий барқарорликни сақлаб қолди ва иқтисодиётини юксалтириб юборди. Бугун Ўзбекистон ёқилғи-энергетика бўйича Россиядан тўла мустақилликка эришди. Ҳатто бир пайтлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Тошкентга даъво қилаётган америкаликлар ҳам, сўнгги икки-уч йил ичида ўз нуқтаи назарларини ортиқча шов-шувларсиз ўзгартириб, собиқ СССРнинг бу республикаси

(Давоми 2-бетда)

БОР БЎЛСИН ТЕННИС

Дунёвий тараққиёт сари собитқадам ташланаётган юртимиз келажаги — соғлом авлодни теннисиз тасаввур этиш қийин. Боиси мамлакатимизда кичик тўп ошуфталари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Теннис оммавийлашиб, миллионлар учун ўзига хос эҳтиёжга айланмоқда. Бу бежиз эмас. Сабаби ривожланган мамлакатларда кексаю ёш теннис билан машғул десак ишонаверинг. Сирасини айтганда, болалигу ёшликда ҳаммамиз ҳам ўйинқароқ бўламиз, турли баҳслар билан шуғулланишни эп кўрамиз. Зеро, андек ўқиб, илмли ва билимли бўлгач, айниқса, омад чопиб марта-

Республика «Ҳавас» мусобақаси бетакрор воқеаларга бой бўлди

ба соҳиби даражасига етганимиздан кейин сиполашиб, ўзимиз ҳақимизда кўпам ўйлашга фурсат топмаймиз.

Теннисда эса, спортнинг бир қанча турларига хос ҳаракатлар мужассамлашганки, бунинг ҳузурини фақат майдонга тушган кишигина ҳис этиш мумкин. Табиат қўйнида, кичик тўпни қўлига тутган теннисчининг ўзини руҳий ва жисмоний имкониятларини юзага чиқариш учун жумбушга келиб турган ҳолатини кузатсангиз, унинг гоҳ эгилиб, гоҳ энгашиб, гоҳ чўзилиб, гоҳ югуриб ўзига хос чапдаст ҳаракатлар қилаётганининг шоҳиди бўласиз. Шунинг учун ҳам юртбошимиз ташаббуси билан анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган республика «Ҳавас» мусобақаси қулоч ёзмоқда.

Бу сафар ҳам пойтахтнинг «Динамо» теннис ўйингоҳи мамлакатнинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган юзга яқин мансабдор раҳбарлар ихтиёрига бериб қўйилди.

Мусобақа уч босқичда ташкил этилди. Биринчи куни теннисчилар саккиз гуруҳга бўлиниб, ўзига хос саралаш баҳсларида иштирок этишди. Фақат гуруҳ ғолибларигина навбатдаги босқичга йўлланма олдилар. Эртасига ҳам шунча гуруҳ ташкил этилиб, чорак финалчиларни аниқлашга йўл берилди.

Ишқибозлар эса чорак финал баҳсларига кўпроқ умид боғлашди. Ниҳоят, саккиз жуфт чорак финалчи маълум бўлди. Бу йилги мусобақа Низомига кўра ҳар бир ҳавасчи майдонга ўз тренери билан жуфтликда тушди. Республика энергетика ва электрлаштириш вазири В. Отаев билан «Ўзбекгидрэнергоқурилиш» ҳуқуқшуноси Ҳ. Икромовнинг чорак финалгача «йиқилмай» келишлари кўпчиликни ҳайратга солди. Улар Ҳ. Гаффоров билан С. Рамазоновни 6:0, Т. Зокиров билан Р. Шоабдураҳмоновни 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кучли саккизликка қўшилишди. Саралаш баҳсларини яхши ўтказиб, чорак финалда Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов билан А. Вяльцевга қарши ўйнаган Отаевлар жуфлигининг яна қўли баланд (6:3) келди. Улар ярим финал учрашувида Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва Т. Сагитовни 6:2 ҳисобида енгиб, финалга чиқдилар.

Республика Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмоновни мухлислар ҳамиша мукофотли ўринларга даъвогарлик қилганини яхши билишади. Бу сафар у тренери Фарҳод Ғуломов билан ҳамкорликни ўрнига қўйди. Чорак финалда Қ. Ҳаққулов — Р. Сулаймонов жуфтлигини 6:2 ҳисобида енгиб, ярим финалда Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов — В. Дербенов жуфтлигини 6:4 ҳисобида доғда қолдирди. Унгача М. Усмонов билан Ф. Ғуло-

(Давоми 4-бетда)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МОСКВАГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАШРИФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

иқтисодиётига фаол сармоя кирита бошлашди. Бу фаолият шунчалик кучайдики, «Ўзбекистон АҚШ томонига оғиб кетди», деган гап-сўзларни ҳам келтириб чиқарди. Марказий Осиёдаги ушбу давлатдан сусткаш Россияни японлар, французлар, немислар, жанубий кореяликлар кучли босим билан сиқиб чиқармоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда хорижий сармоялар миқдори 7 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу рақам кўпайиб бормоқда. Гап шундаки, ушбу мамлакат кўплаб кўрсаткичлар бўйича хорижий сармоядорларни ўзига жалб қилмоқда. Масалан, Ўзбекистоннинг умумий минерал-хомашё салоҳияти 3,3 триллиондан зиёдга баҳоланмоқда. Республика олтин заҳираси бўйича дунёда тўртинчи, уни қазиб олиш бўйича эса еттинчи ўринни эгаллайди. Мис заҳираси бўйича 10-11, уран бўйича 7-8 ўринда. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон ҳудудида улкан нефть ва газ конлари мавжуд. Газнинг аниқланган заҳираси 2 триллион куб. метрга яқин, кўмирники эса 2 миллиард тоннадан ортиқ.

Москва эндиликда тамомила бошқа Ўзбекистон билан муносабатда бўлиши, бой берилган имкониятлар ўрнини қоплаши зарур. Ҳамкорликнинг истиқболи ҳавас қиларли даражада. Ушбу ташриф чоғида бир қатор иқтисодий шартномалар имзоланди. Лекин асосийси ҳали олдинда. Октябрь ойининг биринчи ярмида Тошкентга бўладиган расмий ташриф чоғида Борис Ельцин ва Ислом Каримов 10 йилга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳақидаги шартномани имзолашади. Ҳозирча Москва ва Тошкент давлатлараро молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш, «ИЛ», «АН-70» ва бошқа самолётларнинг янги туркумларини ишлаб чиқариш бўйича тузилган шартномани амалга оширишни иқтисодиёт соҳасидаги энг истиқболли йўналиш сифатида танлашди.

Айни пайтда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш миқдори унчалик катта эмас — ўтган йили у 1 миллиард 607 миллион долларга тенг бўлди. Шу йилнинг биринчи чорагидан бошлаб бирданига 21,5 фоиз ўсиш кузатилди. Россия Ўзбекистонга, Ўзбекистон эса Россияга юз буриши лозим. Бу фақат иқтисодиётнигина кўзловчи вазифа эмас.

«Бугун бизнинг кайфиятимиз яхши. Мен музокаралар натижаларидан тўла қониқиш ҳосил қилдим» — деб баёнот берди Ислом Каримов. Россия томонидан ҳам, Ўзбекистон томонидан ҳам кузатувчилар якдиллик билан: собиқ иттифоқ тарқаб кетгандан кейин Москва ва Тошкент ҳали ҳеч қачон бунчалик самарали суҳбатлашмаган эдилар, деган фикрга келишди.

Гаяз АЛИМОВ,
(«Известия» газетасининг 1998 йил 8 май сонидан).

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

гина. Маданият соҳасидаги алоқалар илдизи эса анча узоқ даврларга бориб тақалади. Лекин айни кундаги мавжуд ҳамкорлик алоқаларини мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳияти даражасида, деб бўлмайди. Музокараларда шу ҳақда сўз юритилиб, бундан буён ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласига кўпроқ эътибор ва саъй-ҳаракат жалб этиш лозимлиги таъкидланди.

Музокаралардан сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти ва Россия Президентининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида биргаликда ИЛ-76МФ ва ИЛ-76ТФ самолётларини ишлаб чиқариш ва уларнинг эксплуатациясини йўлга қўйиш, шунингдек, ИЛ-76, ИЛ-78 самолётлари ва уларнинг модификацияларини эксплуатация қилиш ва модернизациясини таъминлаш ҳақидаги битим имзоланди. Ҳужжатларга Ислом Каримов ва Борис Ельцин имзо чекди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати ва Россия ҳукумати ўртасида ахборот-маданият марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш шартлари ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Россия Федерациясида, Россия оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Ўзбекистон Республикасидаги мақоми тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди.

Ислом Каримов ва Борис Ельцин журналистлар билан учрашди. Ислом Каримов Президентларнинг яккамаякка суҳбати ҳақида гапириб, муҳокама этилган барча масалаларда икки томоннинг қарашлари тўла мос келганини таъкидлади. Шунингдек, жанубдан келаётган хавф — ислом фундаментализми, экстремизм каби зарарли оқимларга қарши Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон биргаликда курашишга келишиб олганини баён қилди. Чунки бундай экстремистик гуруҳлар нафақат Марказий Осиё республикалари, балки Россиянинг мусулмон динидаги халқлар яшайдиган ўлкаларига ҳам ўз таъсирини ўтказишга уринмоқда. Биз уларга қарши соғлом кучларни бирлаштиришга келишиб олдик. Лекин, айримлар айтаётганидек, у учлар иттифоқи эмас. Мен ҳар қандай кўринишдаги иттифоқларга қаршиман, деди мамлакатимиз раҳбари.

Борис Ельцин журналистларга Президентлар Ўзбекистон ва Россия ўртасида 10 йиллик муддатга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ва шунга мувофиқ ҳаракат дастурини тузишга келишиб олганини маълум қилди. У жорий йилда Борис Ельциннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланади.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама комиссияларнинг мавқеини оширишга ҳам келишиб олинди. Энди бу комиссияларни ҳукумат бошлиқлари бошқаради.

Биз Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифи ниҳоят амалга ошганидан хурсандмиз, деди Борис Ельцин. Бу бизлар учун ҳам, сизлар учун ҳам жуда муҳим ва зарур эди. Ўзбекистон — Россия алоқалари яна ҳам яқин ва мустаҳкам бўлиши керак. Чунки Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ўрни, мавқеи, қўшни давлатларга таъсири нечоғли катта эканлигини биз яхши биламиз.

Ислом Каримов кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиром учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ҳамиша тенг ва ҳар томонлама алоқалар тарафдори эканлигини таъкидлади.

Президентимиз ўша куни Россия Федерацияси ҳукумати раиси С.Кириенко билан учрашди. Икки давлат делегацияларининг музокараларидан сўнг бир неча ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

Россия Иқтисодиёт Академияси мамлакатдаги етакчи илм масканларидан ҳисобланади. У 1907 йилда ташкил этилган. Академия таркибида бир нечта институт, ўнлаб ўқув-машғулот марказлари, лабораториялар, кафедралар мавжуд. Бу ерда юздан ортиқ профессор, 500 дан кўпроқ фан номзоди меҳнат қилади.

Ўтган йили мамлакатимиз раҳбари бу академиянинг фахрий доктори этиб сайланган эди. Ислом Каримов академияга ташриф буюриб, илмий кенгаш аъзолари билан учрашди. Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўли, бозор иқтисодига ўтишнинг беш тамойили, кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган Миллий дастур ҳақида сўзлади.

Россия иқтисоди, фани ва маданиятида Москва шаҳрининг ўзига хос ўрни бор. Мамлакатимиз Президенти сафарнинг учинчи куни Москва шаҳри мэри Ю.Лужковни қабул қилди. Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган суҳбатда Москва шаҳри ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди. Ислом Каримов Москва мэри ҳамроҳлигида Манеж майдонидаги «Охотный ряд» савдо мажмуини бориб кўрди. Москванинг 850 йиллиги тантаналари арафасида ишга туширилган бу мажмуа Россия пойтахтининг ер остида жойлашган энг катта савдо маскани ҳисобланади. Умумий майдони 69 минг квадрат метрни ташкил этадиган уч қаватли бинода 26 та ресторан, 100 дан зиёд дўкон, турли хил хизмат кўрсатиш шаҳобчалари жойлашган.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар сўнгги йилларда изчил ривожланмоқда. Ўтган йилда икки давлат ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1 миллиард 600 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзбекистон Россиянинг маъмурий ҳудудлари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатиш тарафдори. Яқинда Свердловск вилояти билан савдо-сотиқ соҳасида ҳамкорлик тўғрисида бир нечта ҳужжат имзоланди. Лекин булар катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган Россия ва Ўзбекистон учун етарли эмас. Россиялик тадбиркорлар Ўзбекистондек бой бозорни унутиб қўйишаётир. Президент Ислом Каримовнинг «Президент-отел»да Россия ишбилармон доиралари вакиллари билан бўлган учрашувида ана шу фикр алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, чет эллик ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар ҳақида сўзлаб берди. Россиялик ишбилармонларни Ўзбекистон темир йўлларини электрлаштиришда, қоғоз ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришда, Жиззах вилояти ҳудудида халқаро радиоастрономик обсерватория қуришда ва бошқа ўнлаб лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорликка чорлади.

— Ўзбекистонда ҳозир 350 дан ошиқ Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси бор,- деди И. Каримов.- Бу Россиядек катта давлат учун жуда оз. Ваҳоланки, чет эл инвестицияси учун бизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Учрашувда сўзга чиққан етакчи ишбилармон Аркадий Волский россиялик ишбилармонлар келажакни ўйлаб иш кўрадиган бўлса, собиқ иттифоқ ҳудудидаги бозорлардан, хусусан Ўзбекистондек бой мамлакат бозоридан ҳам кўпроқ ўрин эгаллашга интилмоғи лозим, деди. Зеро, давом этди у, бозор ҳеч қачон бўшаб қолмайди, уни биров тарк этса, бошқа биров дарров кириб келади. Бу эса Россия иқтисодиётига жиддий зарар келтириши мумкин.

Ўзбекистон самолётсозлик соҳасида нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, балки жаҳонда ҳам ўз ўрнига эга. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилаётган юк ташувчи ва йўловчи самолётларга талаб катта. Лекин вақт уларни янада такомиллаштиришни, замонавийлаштиришни тақозо этмоқда. Бу соҳада С.Илюшин номидаги авиация мажмуи билан яқин алоқа ўрнатилган. Президент Ислом Каримов Россияга сафари чоғида мазкур авиакорхонада бўлди. 1933 йилда атоқли авиаконструктор С.Илюшин томонидан ташкил этилган бу мажмуада шу кунгача 60 мингдан кўпроқ самолёт ишлаб чиқарилган.

Бош конструктор Г. Новожилов мамлакатимиз раҳбарига корхона цехларида тайёрланаётган самолётларни кўрсатди. Шунингдек, у Ислом Каримовга Илюшин давлатлараро авиация корпорациясини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Бу корпорация таркибига С. Илюшин номидаги авиация мажмуи, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Воронеж авиация заводини киритиш мўлжалланмоқда.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Россияга давлат ташрифи якунланди. У ниҳоятда самарали бўлди.

Шу ўринда яна бир воқеа эсга тушади. Бундан бир ҳафта бурун Москвада бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарлари учрашувида ҳам Президентимизнинг иқтисодий алоқаларни кучайтириш, МДҲни ҳар қандай сиёсий тузилмалардан ҳоли қўйиш ғояси тан олинган эди. Булар бари мамлакатимизнинг ва юртбошимиз Ислом Каримовнинг обрў-эътибори дунё миқёсида ортиб бораётгани, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бутун жаҳонда кенг эътироф этилаётганининг яққол исботидир.

Россияга сафар чоғида Ислом Каримовга Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В. Голишев, У. Исмоилов, Бош вазир ўринбосарлари Б.Ҳамидов, В.Чжен, ташқи ишлар вазири А.Комилов, молия вазири Ж. Сайфиддинов, адлия вазири С. Мирсафоев, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Ельцин Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг аҳволини ва ҳамкорликнинг бутун комплексини ривожлантириш истиқболини ҳар томонлама анализ қилиб, шунингдек, долзарб халқаро муаммолар бўйича батафсил фикр алмашиб, қуйидагиларни баён қиладилар:

1. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар анъанавий дўстлик ва ишонч, суверен тенглик ва ўзаро манфаатлилик тамойиллари асосида 1992 йил 30 майдаги Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага ва 1994 йил 2 мартдаги Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияга мувофиқ ривожланиб бормоқда.

Икки томонлама алоқалар, делегациялар билан алмашишлар, жумладан, юқори сиёсий даражада фаоллашаяпти. Парламентлараро алоқалар жонланди. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия механизми самарали ишлай бошлади. Ўзбекистон — Россия муносабатларининг шартнома-ҳуқуқ негизи мустаҳкамланаяпти.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни стратегик шериклик йўлида янада кенгайтириш заруриятига ва бунинг учун реал имкониятлар борлигига ишончлари комил.

Россия Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ролини ижобий баҳолайди. Ўзбекистон Россиянинг Марказий Осиёдаги стратегик манфаатларини тан олади ва Россиянинг минтақавий ишлардаги иштироки сиёсий баланси ушлаб туришга, иқтисодий ривожланишга, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади деб ҳисоблайди. Шу сабабли Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро ҳаракатни чуқурлаштириш, иккала мамлакатнинг туб манфаатларига жавоб берган ҳолда, халқаро миқёсдаги конструктив омил бўлиб ҳам ҳисобланади.

2. Ўзбекистон ва Россия ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга биринчи даражали аҳамият берадилар.

Икки мамлакат ҳукуматларига савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш, ёнилғи-энергетика комплекси соҳасидаги ҳамкорлик, ўлка ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги бевосита алоқаларни фаоллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратишни кўзда тутган ҳолда, Ўзбекистон ва Россия ўртасида ўн йиллик муддатга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида ҳукуматлараро битимни ва шунга мувофиқ ҳаракат дастурини тайёрлаш топширилди.

Ишчи муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни мукаммаллаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини йўлга қўйиш зарур. Томонлар икки мамлакат ҳукуматларига ва Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияга бу жараёнлар учун зарур давлат кўмагини таъминлашни топширадилар.

Ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишларидан бири давлатлараро молия-саноат гуруҳларини /МСГ/ тузишдир. «Ильюшин» трансмиллий МСГ тўғрисидаги ва Ил-114 ва Ил-114Т ва Ил-76МФ самолётларини ишлаб чиқариш ва ишлатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларнинг бажарилишини тезлаштириш муҳимдир. Бу самолётларнинг авиаташув трассаларига мунтазам чиқишини юқори технологиялар соҳасидаги шериклик алоқаларининг устувор вазифалари деб ҳисоблаш лозим.

Кўп томонлама ва икки томонлама асосда Ан-70 самолётини ва бошқа янги авлод самолётларини яратиш лойиҳаларининг муҳокамаси муносабати билан ҳам порлоқ истиқболлар очилаяпти.

Авиасозликдаги шерикликнинг ижобий тажрибаси бошқа соҳаларда ҳам махсус молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш мақсадларида фаол ишлатилади.

Томонлар машинасозлик ва кимё саноати корхоналари, аграр-саноат комплекслари ўртасидаги ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашдан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришларни ривожлантиришдан, шунингдек, савдо уйларининг очилишидан ўзаро манфаатдорликларини ифода этадилар.

Космосни тадқиқ этиш ҳам ўзаро қизиқиш уйғотади. Томонлар «Суффа» халқаро радиоастрономик обсерваториясини барпо этиш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни фаоллаштирадилар.

Россия нефть ва газни экспортга етказиб бериш транспортировкасининг, жумладан, уларнинг Россия ҳудуди орқали транзитининг кўп вариантлилигини илгари сураётган Ўзбекистон нуқтаи назарини ҳисобга олади ва тегишли хизматларни зарур ҳажмда ва ассортиментда тақдим этишни давом эттиришга тайёрлигини тасдиқлайди.

3. Ўзбекистон — Россия муносабатларида мудофаа хавфсизлиги ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари муҳим ўрин тутади. Томонлар бу соҳада шериклик алоқаларини икки томонлама битимлар асосида ривожлантириш ниятидалар.

Ўзбекистон — Россия муносабатларини мустаҳкамлашга иккала мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳаракатини чуқурлаштириш кўмаклашади. Наркотик моддаларни ноқонуний тарқатишга, қурол-яроғ савдосига қарши курашда, шунингдек, ўзаро қизиқиш уйғотувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишларининг бошқа томонлари бўйича ҳамкорликни йўлга солиш керак.

4. Ўзбекистон ва Россия халқлари маънавий ва маданий яқинликнинг бузилмас ришталари, инсон тақдирларининг чирмашиб кетиши билан тарихан боғлиқдирлар. Бу маданият, фан, таълим, ахборот соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш, одамлар ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш заруратини белгилайди.

Тегишли идораларга бир мамлакатнинг бошқа мамлакат ҳудудида доимий яшовчи фуқароларининг ҳуқуқий статусини тартибга солиш, шунингдек, бошқа жойга кўчиш жараёни ва бошқа жойга кўчувчи кишилар ҳуқуқларининг ҳимояси масалаларини ўрганиб чиқиш топширилди.

Россия томони Ўзбекистонда консуллик муассасаларини очишдан манфаатдорлигини сақлайди ва Ўзбекистон томонининг бунга жавобан бўлиши мумкин бўлган истакларини ҳисобга олишга тайёрлигини тасдиқлайди.

5. Ўзбекистон ва Россия долзарб халқаро муаммолар бўйича бир-бирига мос ёки яқин нуқтаи назарларга эга ва ҳам икки томонлама асосда, ҳам БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ва форумлар доирасида конструктив ва мунтазам ташқи сиёсий ўзаро ҳаракатни чуқурлаштириш ниятидалар. Улар ҳам давлатлар ўртасида, ҳам улар ичидаги этник, конфессияларо ва бошқа кўринишдаги зиддиятларни ҳал этишда минтақавий ташкилотларнинг бир вақтнинг ўзида ўсиб бораётган аҳамияти билан бирга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туришда асосий роль ўйнашидан келиб чиқадилар.

Россия Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари томонидан қўллаб-қувватланган минтақада ядро қуролидан ҳоли зонани яратиш ташаббусини ижобий баҳолайди ва уни БМТ ҳомийлигида халқаро амалиётга мувофиқ илгари суришга кўмаклашишга тайёрдир. Ўзбекистон ва Россия жаҳоннинг бошқа минтақаларида ҳам ядро ва ялпи қирғин қуролининг бошқа турларидан ҳоли зоналарни яратиш ғоясини қўллаб-қувватлайдилар.

6. Ўзбекистон ва Россия иштирокчиларининг тенг ҳуқуқли шериклиги ва ўзаро фойдали ҳамкорлигининг интеграция қуроли сифатидаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мақсад ва принципларига содиқликларини тасдиқлайдилар

МДҲ давлатлари бошлиқлари кенгашининг шу йил 29 апрелдаги йиғилишида эришилган келишувлар руҳида ҳаракат қилиб, томонлар Ҳамдўстликнинг яратувчанлик потенциалини янада тўлароқ ишлатиш мақсадида унинг самарадорлигини мустаҳкамлаш ва оширишга ҳаракат қиладилар.

7.Томонлар Тожикистоннинг ҳуқуқий, демократик, дунёвий давлат қуриш йўли бўйлаб илгари боришига принципиал содиқликларини ифода этдилар. Москвада 1997 йил 27 июнда бу мамлакатда тинчлик ва миллий тотувлик ўрнатиш тўғрисида Умумий битим имзоланганидан кейин Тожикистондаги миллий муроса сари силжиш мамнуният билан таъкидланди. Шу билан бирга Ўзбекистон ва Россия Умумий битимнинг кафолат берувчи давлатлари сифатида тожикларо келишувлар, биринчи навбатда, реинтеграция, қуролсизланиш ва бирлашган тожик мухолифатининг қуролланган ҳарбий қисмларини тарқатиб юбориш масалалари келишилган жадвалдан сезиларли даражада орқада қолиш билан бажарилаётганидан ташвишланаётганларини ифода этдилар.

Тожикистондаги тинчлик жараёнининг иштирокчиларини улар томонидан олинган мажбуриятларни сўзсиз ва аниқ бажаришга чақириб, Ўзбекистон ва Россия Умумий битимни тўла ва ўз вақтида бажариш мақсадида ўзаро ҳаракатни икки томонлама асосда ва халқаро саъй-ҳаракатлар, жумладан, БМТ ва ЕХҲТ доирасида жадаллаштириш зарур, деб ҳисоблайдилар.

8. Томонлар Афғонистондаги хавфли вазиятдан жиддий ташвишларини ифода этдилар. Диний экстремизм ва терроризмнинг тарқалиши, қурол ва наркотиклар контрабандасининг ўсиши, қочоқларнинг кўпайиши хавфини туғдирадиган бу мамлакатдаги кескинликнинг янада ўсиши минтақа давлатларининг миллий манфаатларига ва хавфсизлигига таҳдид қилади.

Афғонистонда БМТ ҳомийлигида ва манфаатдор давлатларнинг фаол кўмагида қарама-қарши томонлар ўртасида конструктив мулоқот ўтказиш, аҳолининг барча этник, конфессионал гуруҳлари ва сиёсий кучларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кўп вакиллар иштирокидаги ҳукумат тузиш орқали тинчликка эришилади.

Ўзбекистон ва Россия бир-бирининг ташаббус ва саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, афғон гуруҳлари томонидан БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциялари бажарилишига, чўзилиб кетган зиддиятнинг дарҳол тўхтатилишига биргаликда эришишга ҳаракат қиладилар.

9. Президентлар И.А.Каримовнинг Россия Федерациясига анъанавий дўстлик ва ўзаро тушуниш руҳида ўтган давлат ташрифининг мазмуни ва якунларидан қониқиш ҳосил қилганларини билдирдилар. Улар ташрифнинг Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлардаги алоҳида воқеа сифатидаги муҳим аҳамиятини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Россия Федерацияси Президенти Б.Ельцинни Ўзбекистонга расмий ташриф буюришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди. Ташриф муддатлари қўшимча равишда келишилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ Б. ЕЛЬЦИН

Москва, 1998 йил, 6 май

Жиноят жазосиз қолмайди

«ШИМОЛИЙ ШАРҚ»ДАГИ ҚОТИЛЛИК

Юра Зряшевга пул керак. Умуман, пул кимга керак эмас, дерсиз. Бироқ, Юраси тушмагур уч кундан буён Наташаникига боролмаяпти-да. Аввалига эрта-индин, деб алдаб юрди. Уч кун олдин эса Наташа қатъий туриб олди: «Ё тилла занжиримни, ё пулини келтирмагунингча остонамни ҳатлама...» Шу-шу Юрабойнинг юриш-туришида ҳаловат йўқ.

Ўша куни Сергей Киреев ҳам мўмай пул топиш дардида эди. У кечқурун куни бўйи биқиниб хаёл сурган жойидан туриб кўчага чиқди. Максим Горький метро бекатининг йўлакчасига борганда эски ҳамтовоғи Дмитрий Бутаков билан учрашиб қолди. Қаердандир пайдо бўлган Юра ҳам уларга келиб қўшилди.

Сергейнинг таклифи билан аввалига бошни қизитиб олишиб, сўнг режа тузишди. Улар қандай бўлмасин, бирор русумдаги енгил автомашинани қўлга киритишлари зарур. Машина Сергейнинг Самарқанддаги танишлари орқали пулланади ва қарабсизки, чўнтак зап қаппаяди, кўнгил ҳам чўнтак каби кўтарилади. Ҳамтовоқлар ўзларининг бу хаёлларидан ширин тамшаниб қўйишди. Бу иш рўёбга чиқиши учун кўрқитиш воситаси лозимлигини англаган Юра йиғма пичоғини, Дима эса ханжарини пайпаслаб қўйди.

Саройдан ГАЗ-2410 русумли автомашинани бошқариб чиққан Александр Серов «Буюк ипак йўли» кўчасининг Максим Горький метро бекатига яқинлашар экан, бир йигит тинмай йўловчи машиналарга қўл кўтараётганлигини узоқдан кўриб, бир яхшилик қилиш ниятида унинг олдида машинасини тўхтатди.

— «Бизни «Чимён» дўконига ташлаб қўйинг». Сергей розилик олгач, нариги тарафдагиларни ҳам чақирди. Александр шундагина йўлнинг қарама-қарши йўналишида киракаш тўхтатиш учун қўл силкитаётган икки йигитни илғади. «Тавба, қайси томонга юришнинг буларга фарқи йўқмикин?» — дея ҳайрон бўлиб қўйди у.

Машина Ҳабиб Абдуллаев кўчасига бурилганда Дима билан Бутаков «Шимолий Шарқ» даҳасига бораётганлигини тушунишди.

24-уй муюлишига етганда Сергей «оқ тулпор»нинг эшигини очиб-ёпди ва ҳайдовчининг орқасида ўтирган Юра Зряшевга ишора берди. Шу пайт Александрнинг орқасидан қўл келиб унинг бошини куч билан тортди. Нима бўлганлигига тушуниб улгурмай бўйнига Юранинг йиғма пичоғи санчилди. Дмитрий ҳам вақтни бой бермай ханжарини Серовнинг ўнг кўкрагига қадади. Александр жон ҳолатда машина газини босди. Унинг шовқинли овозидан кўп қаватли уйларда бирин-кетин чироқлар ёна бошлади. Режаси барбод бўлганини сезган Сергей эса машинадан тушдию қочди. Шериклари ҳам жуфтакни ростлашди.

22-уй балконида турган Андрей бу вазиятни кўриб шофёрга кўмакка шошилди. Қаттиқ жароҳатланган, нафас йўли ёпилиб қолган Серов эса... одамлар келганда узилган эди.

Дмитрий Бутаков, Юра Зряшев, Сергей Киреевларнинг белни оғритмасдан бойбадавлат бўлиш режалари оқибатида бир инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди. Сергей Киреев эса содир бўлган даҳшатли воқеадан сўнг қонун олдида жавоб беришдан қўрқиб қочиб кетди. Бу билан у ўз жиноятини оғирлаштирди, холос.

Ўзбекистон Республикаси «Жиноят кодекси»нинг 97, 164-моддалари 2-қисми билан айбланаётган Сергей Киреев орадан 9 йил ўтгач ушланди. Унинг жиноий иши бўйича қайта тергов ҳаракатлари олиб борилди ва пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек тумани суди ҳукми билан узоқ муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Халқимизда «қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», деган ҳикмат бор. Белда куч-қувват, танда соғлиқ бор экан, фақат ҳалол яшаш, ўзини эл хизматига чоғлаш керак. Инсондан фақат яхшилик қолади. «Агар яхшилик қилишни эпламасангиз, ёмонлик қилманг», дейилади ҳадиси шарифларда.

Мираълам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.
Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
журналист

Дунёнинг саксондан зиёд мамлакати пахта етиштиради. Шунинг 75 фоизига яқини Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Озарбойжон, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Бразилия ҳиссасига тўғри келади. Собиқ иттифоқ республикалари ўртасида пахта етиштириш ва тола ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон етакчи ўриндадир. Жаҳон миқёсида биздан олдинда АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Покистон туради. Аммо, тола сифати бўйича мамлакатимиз биринчи ўринни қатъий эгаллаб турибди.

«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси пахтани тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулотларини сотиш билан шуғулланади. Уюшма бошқаруви раиси Эрқул Зикриёев билан суҳбатимиз мустақил мамлакатимиз халқ хўжалигида етакчи ўринни тутган пахтани қайта ишлаш саноатининг бугунги кундаги аҳволига бағишланди.



«ЎЗПАХТАСАНОАТСОТИШ» УЮШМАСИ:

ЧИҚИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ АФЗАЛЛИКЛАРИ

—Мамлакат пахта тозалаш саноати 600 га яқин пахта тайёрлаш пунктлари ва 123 пахта заводини ўз ичига олади. 2 та энг замонавий пахта тозалаш корхонаси Американинг етакчи фирмалари дастгоҳлари билан ва ўзимизда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар билан жиҳозланган. Улар Янгийўл ва Андижон шаҳарлари яқинида 1997 йилда ишга туширилди. Ҳозир бир маромда ишлаб турибди. Янгийўл заводига уюшма бошқаруви тажриба эксперементал мақомини берган, яъни ундан бошқа корхоналар намуна оладилар. У ҳар йили 30 минг тонна пахтани қабул қилиб, қайта ишлайди. Шуниси қувончлики, энг замонавий дастгоҳлар қўл меҳнатига бутунлай барҳам берган. Андижон вилоятидаги янги завод ҳам бой имкониятларга эга. Халқобод ва Беруний заводлари, Тошкент вилоятидаги Қорасув заводи ва бошқалар ҳам самарали иш олиб бормоқда. Халқобод ва Беруний заводларига 1997 йилда юқори сифатли тола ишлаб чиқарганлиги учун халқаро «Олтин юлдуз» совринни берилди.

Бизнинг қувватимиз ҳар йили 7 миллион тоннагача пахтани қабул қилиш ва қайта ишлашга етади. Тола чиқиши ўртача 32 фоизни ташкил этмоқда. Барча пахта тозалаш заводларимиз очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Бу яхши самара бермоқда. Фақат Жиззах вилоятидаги олтита заводда ишларимиз кўнгилдагидек кечмаяпти.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва пахта маҳсулоти сифатини яхшилаш — биз учун бош масала. Бу йўлда изчил ишлар олиб борилмоқда.

— Юртбошимиз Ислом Каримов ўтган йили кузда Тошкент трактор заводида бўлган чоғида пахта уруғчилиги ва навларини яратишда, янги замонавий машиналардан фойдаланиш муҳимлигига эътиборни қаратган эдилар. Бу сизларнинг уюшмангизга ҳам дахлдор эмасми? Янги экиш мавсумида уюшмада бу борада нималар қилинмоқда?

— Дарвоқе, кўп нарса экиш-тикиш сифатига боғлиқ. Буни мутахассисларимиз ҳам яхши тушунадилар. Зотан уруғчиликка талаб жуда юқори. 1997 йил кузидан бошлаб соҳамизда бу борада тегишлича ишлар амалга оширилди. Ҳали пахта тозалаш саноати тарихида қилинмаган ишлар амалга оширилди, десам муболаға бўлмайди. Мамлакат пахта заводлари 190 минг тоннага яқин юқори сифатли уруғ тайёрлади. Плёнка остига экиладиган уруғлар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилди. Бу йил 1997 йилга нисбатан икки баробар кўп миқдорда плёнка остига экиш учун уруғлик чигит тайёрладик. Яна такрор айтаманки, уруғ танлаш ва тайёрлаш тўла механизация зиммасига юклатилган, қўл меҳнати жуда оз. Замонавий механизмларимиз етарли. Пахтакорлар ҳам бизнинг заводларимиздан аъло чигитлар олишганидан мамнунликларини изҳор этдилар. Ўйлайнманки, бу йил «оқ олтин»имиз мўл бўлади.

— Соҳада фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун нималар қилиняпти?

— Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ҳукуматимиз бизни мамлакат мустақиллигининг дастлабки давридан бошлабоқ корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга даъват этиб катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Чиқитсиз технология биз учун энг долзарб масаладир. Пахта тозалаш бўйича илмий марказ ва махсус конструкторлик бюромиз ишига эътибор кучайтирилган. Албатта, олдимизга қўйилган масалалар мураккаб ва масъулиятлидир. Биз бу борада барча ишларни қиляпмиз. Биргина Сурхондарё вилоятидаги Ангор пахта заводида КООС (тезкор механизациялашган омборлар)нинг дастлабки намунаси монтаж қилиниб ишга туширилди. Муваффақиятли ишламоқда. Бошқа кўпгина янгиликлар ҳам жорий этилмоқда.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш тола сифатини оширишни кўндаланг қўймоқда. Бу муаммо қандай ҳал этиляпти. Қийинчиликларга учралмаяптими?

— Афсуски, бу ишни кўнгилдагидек деёлмайман. Пахта толасининг сифати бу бош кўрсаткичдир. У эса фақат бизгагина эмас, қишлоқ хўжалигидаги уруғчиликдан тортиб, ғўза парваришигача, пахтани териб олишгача — ҳамма-ҳаммасига боғлиқдир. Бироқ, очиқ айтиш керакки, бу талабларга ҳамиша ҳам риоя этилавермаяпти. Жаҳон талабларига жавоб берадиган тола етиштиришга ҳамма жойда ҳам эришиляпти деб бўлмайди. Хўжаликларнинг пахта пунктларига паст сифатли хомашё, нам ва ифлос пахта келтириш ҳолларига ҳали тўла чек қўйиляпти деб бўлмайди. Демак, пахтани экишдан то йиғиб-териб олишгача қатъий технологик интизом ўрнатиш зарурдир.

—Булар ҳаммаси ўз-ўзидан бўлмайди чамаси, уюшманинг молиявий аҳволига ҳам кўп нарса боғлиқ. Иш самарасини ошириш учун тармоқда имкониятлар етарлими?

— Умуман олганда тармоқ иши чакки эмас. Аммо, кўнглимиздагидек самарали дейиш ҳам қийин. Шу сабабли барча техник - иқтисодий кўрсаткичларни муайян даражада яхшилашни ходимлар олдига қатъий вазифа қилиб қўйдик. Бизнинг маҳсулотларимизга қўйилган нархлар билан дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари нархларининг мунтазам ошиб бориши ўртасидаги кескин тафовут ҳам кўп бошимизни қотирмоқда. Тасаввур қилиб кўринг: бу материалларсиз бизнинг ишимиз олға силжимайди, ахир. Хулоса қилиб айтганда, пахта тозалаш саноати самарадорлиги келажаги буюк Ўзбекистоннинг барча соҳа меҳнаткашлари саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Икром АҲМЕТОВ суҳбатлашди

Суратда: Янгийўлдаги янги пахта тозалаш заводида иш жараёни.

Олмос КАЛИМУЛИН олган сурат.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

«ЯШИЛ ҚАЛПОҚ» САФАРИ

АҚШнинг «Яшил қалпоқ» махсус хизмат гуруҳи Ганага жўнаб кетди. Ҳарбий мутахассислардан иборат бу гуруҳ бир ой давомида Африкадаги мазкур мамлакат ҳарбийлари билан тинчлик операцияларини ўтказиш ва инсонпарварлик ёрдамларини жойларга етказиш юзасидан ўқув машғулотларини ўтказади.

Гуруҳ вакилларидан бири — Томас Макколлэмнинг айтишича, бу гуруҳ ўтган йили 35 маротаба Африка мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан.

ВАКОЛАТХОНА ОЧИЛДИ

Буюк Британиянинг йирик нефть компанияси — «Бритиш Петролеум» Эрон пойтахти — Теҳронда ўз ваколатхонасини очди. Шу вақтгача Эронда Буюк Британиянинг фақатгина «Шелли» компанияси фаолият кўрсатар эди.

Компания раҳбари Жон Браннинг айтишича, ваколатхонани очишдан асосий мақсад Эрон билан нефть ва газни қайта ишлаш борасидаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик ўрнатишдир. Бу ҳамкорлик Эрон билан Европа Иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни ижобий томонга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ уйда Италия Бош вазири Романо Проди билан учрашди. Мулоқот чоғида томонлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, дунёнинг турли минтақаларидаги нотинчликлар, Европада янги пул бирлигининг жорий қилиниши ҳамда Бирмингемда «Катта саккизлик» давлатларининг бўлажак учрашувига тайёргарлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Истиқлол ғунчалари

ВАТАННИ ДУНЁГА ТАНИТУВЧИЛАР

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 22 та ўзбек-турк лицейлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги улардан 16 тасини Туркиянинг «Силм А.Ш.» фирмаси, 6 тасини Туркия Миллий таълим вазирлиги билан тузган. Бу лицейларда 4 мингдан ортиқ ўқувчиларимизга 300 дан ортиқ ўзбек ва шунча турк ўқитувчилари таълим-тарбия бермоқда. «Силм А.Ш.» ўтган вақт ичида 16 та қўшма лицейларни умумий ҳисобда 418 дона компьютерлар билан таъминлади. Лицейларнинг кутубхонаси 150 мингта китоб билан бойиди, уларнинг 130 мингтаси инглиз тилида. Фирма ҳисобидан 64 та замонавий ўқув лабораториялари жиҳозланган. Ўтган беш йилда кўрсатилган техник ёрдам 12 миллиондан ортиқ долларни ташкил этади. 1996, 1997 йилларда лицейларнинг 90 фоиздан ортиқ битирувчилари мамлакатимиз ва бошқа давлатлардаги олий ўқув юртларига кирдилар.

Ўзбек-турк лицейларида ўқишни давом эттиришни истаган ўқувчилар яқинда тест синовларини топширишди. Натижалар эрта-индин маълум бўлади. Ўзбек-турк лицейлари ҳақида ўқувчиларимизга тўлароқ маълумот бериш учун мухбиримиз Салим АШУРОВ «Силм А.Ш.» ширкати ўзбек-турк лицейлари бош мудири ўринбосари Булент Эсерга бир неча савол билан мурожаат этиб, қуйидаги интервьюни ёзиб олди.

— Биз «Силм А.Ш.» ширкати ўлароқ 1992 йилда Ўзбекистонда 7 та лицей ташкил этдик. Бу Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартнома асосида амалга ошди. 1993 йилда лицейларнинг сони 18 тага етди. Яна битта тил маркази бор. Бу ўзбек-турк тиллари ва компьютер марказидир. Бу ерда ингиз тили ва компьютер чуқурлаштирилган тизимда ўқитилади. «Интернейшнл-скул» деган халқаро мактабимиз ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Лицейларимизда математика, биология, химия, физика фанлари инглиз тилида ўқитилади. Шу туфайли ўқувчилар бир йил тайёрлов синфларида ўқишади. Ҳафтасига йигирма соатдан инглиз тили, саккиз соатдан ўзбек тили чуқурлаштирилган тизимда, турк тили ўқитилади. Шундан сўнг қолган тўрт йил мобайнида ўқувчилар асосий фанларни инглиз тилида ўрганишади. Инглиз тилидаги дарсликлар асосан Туркиядан келтирилади. Бу фанларни Туркиядан махсус танловдан ўтиб келган мутахассис- ўқитувчилар ўқитади. Ўзбек тили адабиёти, Ўзбекистон тарихи, умумий тарих, география, одобнома, мусиқа ва шу каби фанлардан махсус тайёргарликдан ўтган олий маълумотли ўзбек ўқитувчилари дарс беради. Муваффақиятларимиз ўзаро ҳамкорликнинг маҳсулидир.

Лицейларимизга қабул йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 1995 йилда лицейларимизга 5 мингга яқин ёшлар мурожаат этган бўлса, бу йил 30 мингга яқин ёшлар тест синовларида қатнашган. Бу ҳар 27 боладан бирига лицейларимиз ўқувчиси бўлиш имконини беради.

Тестлар мутахассис ўқитувчиларимиз томонидан ҳамкорликда тайёрланади. Туркия томонидан математика, химия, биология, физика фанлари бўйича, қолган фанларнинг тест саволлари ўзбекистонлик мутахассислар томонидан тузилиб, Туркияда чоп этилади. Ўзбекистон бўйича тест синовлари — имтиҳонлар бир кунда, бир соатда ўтказилади.

Олимпиадалар бўйича лицейларимизнинг муваффақиятини айтадиган бўлсак, 1995 йилдан бошлаб биз бундай синовларда иштирок этмоқдамиз. 1995 йилда 56 та, 1997 йилда 294 та, 1998 йилда эса 287 та совринли ўринларни қўлга киритдик. Ўтган тўрт йил давомида республика олимпиадаларида 45 нафар ўқувчиларимиз муваффақиятли иштирок этди. Лицейларимизнинг 9-, 10-, 11-синф ўқувчилари халқаро олимпиадаларда ҳам иштирок этиб келмоқдалар. Масалан, 1993 йилда Туркияда ўтган Евроосиё экология олимпиадасидан истеъдодли ўқувчи Динмуҳаммад Камолов медаль билан қайтганди. Шу пайтгача ўқувчиларимиз халқаро олимпиадаларда 34 та медаль билан тақдирланганлар. Шундан 13 таси олтин, 4 таси кумуш, 17 таси бронза медаллардир. 1997 йилда Польшада ўтган Нобель мукофотига биринчи босқич номли халқаро лойиҳалар олимпиадасида Намангандаги лицейларимиздан 3 нафар ўқувчи ўз лойиҳалари билан қатнашди ва олтин медални олиб қайтишди. Шу лойиҳалар Туркияда ўтган олимпиадаларда ҳам олтин медаль билан тақдирланди.

Халқаро олимпиадаларда ўзбекистонлик ўқитувчи-мутахассислар ҳам қатнашиб, унинг хусусиятлари, ташкилий томонлари, йўналишлари ва бошқа жиҳатлари билан танишдилар. Бу йил июль ойида Германиянинг Кёльн шаҳрида ўтадиган жаҳон олимпиадасида қатнашиш учун саккиз ўқувчимиз тайёргарлик кўрмоқда. Нобель мукофотига биринчи босқич дейилган халқаро олимпиадада бу йил 13 та лойиҳа билан иштирок этганмиз. Унинг натижалари ҳам июль ойида маълум бўлади. Президент Ислом Каримов олтин медални қўлга киритган ўқувчиларимизга компьютер совға қилганини яхши биласиз.

Ширкатимиз кенг кўламдаги нашр ишларини ҳам йўлга қўйган. Биз сиёсий, илмий нашрларни чоп этар эканмиз, ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Айтиб ўтишим керак, ўзбекистонлик ўқувчиларда илм олишга чанқоқлик, ҳавас жуда кучли. Бу эса уларнинг қобилиятини чандон оширувчи омил бўлиб, бунинг яққол далили олимпиадалардаги муваффақиятларимиздир. Ўзбекларнинг орасида Беруний, Бухорий, Нақшбандий, Амир Темур, Улуғбек, Навоийларнинг муносиб авлоди етишиб чиқяпти, деб комил ишонч билан айта оламан.

БУТУН МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

«ЎЗДУНРОБИТА» республика ҳудудида уяли алоқа ва автоматик роминг хизматини таъминлайдиган МДҲдаги ягона компаниядир. Мухбиримиз «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонасининг тижорат бўйича директори Азизилло Мирзамойдинов билан суҳбатлашди.

— Агар, мен — «Ўздунробита» абоненти, Тошкентда яшасам, Самарқандга хизмат сафарига ёки Андижондаги қариндошларимникига меҳмонга боргудек бўлсам, мобил телефонимни олиб кетиб, ундан бу шаҳарларда ҳам худди Тошкентдагидек фойдалансам бўладими?

— Бемалол фойдаланишингиз мумкин. Компаниямизнинг пойтахтдаги абоненти ўз мобил телефонидан республикамизнинг барча ҳудудларида фойдаланиши мумкин — бу 700 дан ортиқ шаҳар ва аҳоли истиқомат жойларидир.

— Шундай қилиб, мен Тошкентдан Самарқандга жўнадим. У ерга менга қўнғироқ қилиш учун...

— Сизнинг оддий уяли телефон рақамингизни шаҳар коди — 8 сонини термасдан териш керак, яъни сизга қўнғироқ қилганларга шаҳарлараро гаплашиш учун хизмат ҳақини тўлашга тўғри келмайди. Сизга уй ёки хизмат телефонидан, оддий шаҳар таксофонидан ва албатта, уяли телефондан қўнғироқ қилишлари мумкин.

— Агар абонент — масалан, Термиз ёки Урганчда яшайдиган бўлса-чи?

— Унинг қаерда яшаётганлигининг фарқи йўқ. Фақат унинг «Ўздунробита» абоненти бўлиши кифоя. Яъни, алоқачилар тили билан айтганда компаниямиз автоматик роуминг хизматини бутун мамлакат ҳудудида таъминлаган. Дарвоқе, «роминг» инглиз тилидан таржима қилинганда, «саёҳат қилиш»ни билдиради. Биз яратган автоматик роминг тизимидан фақат бизнинг республикамизда яшовчи уяли телефон эгаларигина эмас, балки уяли алоқа компаниялари билан «Ўздунробита» шартнома тузган Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина ва МДҲнинг бошқа мамлакатларидан келган уяли телефон эгалари ҳам фойдалананиши мумкин.

— Қандай қилиб компания бутун мамлакат ҳудудида автоматик роминги таъминлашга эришди?

— «Ўздунробита» уяли алоқа тизимининг тармоғи шундай қурилганки, Ўзбекистоннинг барча вилоят марказларида жойлашган филиалларнинг ҳар бирида, сизнинг аппаратингиз ишлаши мумкин бўлган ўз уяли тизими яратилган. Одатда бир уяли тизимдан бошқасига ўтганда телефон рақамини ўзгартиришга, роминга талабнома беришга тўғри келади. Бир сўз билан айтганда, бу ташвиш билан боғлиқ ҳолда вақт кетказилади. Бизнинг абонент эса бундай ташвишдан узоқда. Табиийки, ягона маълумот тугунига кабель тизимини, радиореле станцияларини, коммутацион марказларнинг серверларини ва бошқаларни бирлаштириб, компаниямиз мураккаб техник масалаларни ҳал қилди.

— Ўзбекистонда 1991 йилда уяли радиотелефон алоқасининг пайдо бўлиши «Ўздунробита» билан боғлиқ. Ҳозир компаниянинг хизматларидан қанча абонент фойдаланаётир?

— «Ўздунробита» хизматидан 17 мингдан ортиқ абонент фойдаланмоқда. Агар даставвал корхоналар ва муассасалар асосий мижозлар бўлган бўлса, эндиликда хусусий шахслар сони тез ошаяпти. Бу эса аҳоли фаровонлиги ўсганлигидан гувоҳлик беради.

ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ

Папуа-Янги Гвинеяда юз берган сув тошқини туфайли 30 мингдан ортиқ фуқаро жабр кўрди. Бу табиий офат мамлакатда кейинги беш йил ичида рўй берган энг катта сув тошқинидир.

Маълумотларга қараганда, бир неча кун давом этган кучли ёмғир Сепик дарёси сув сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлган. Натижада қишлоқлар, мактаб ва кўплаб маъмурий биноларни сув босган. Озиқ-овқат ва ичимлик сувининг етишмаслиги аҳоли ўртасида турли касалликларни келтириб чиқармоқда. Ҳукумат табиий офатдан зарар кўрган аҳолига ёрдам тариқасида 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.

АВТОКОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎзАСК «Йўловчи» ҲЖ Тошкент филиали Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни таклиф этади

— Двигатель — ГАЗ-24
— Двигатель — ГАЗ-53
— Насос мойи — ГАЗ-24, ГАЗ-53
— Насос сувли ГАЗ-24, ГАЗ-53.
— автошиналар (205х70х14)
— аккумуляторлар: АТ-1, АТ-3
— гильзопоршень гуруҳи
— тирсакли валлар
— блок ёпқичлари
— улаш дисклари
— карбюраторлар
— руль механизмлари
— компрессорлар
— поршень халқалари
— мотор вкладишлари
— шатунь вкладишлари
— улагичлар тўплами

шунингдек, «ГАЗ-24», «ГАЗ-31», «ГАЗ-53», «ЗИЛ-130», «МАЗ», «КамАЗ», «КрАЗ» автомобиллари учун 400дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлари.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.
Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

Чиноз балиқларга омухта ем тайёрлаш корхонаси
юқори сифатли, донадорлаштирилган йирик ва майда қорамоллар учун тайёрланган

ОМУХТА ЕМНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА СОТАДИ

Тўлов нақд ёки олдиндан юз фоиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади:
Корхона манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри.
Телефон: (8-259) 31 148.
Факс: (8-259) 32580.

БОР БЎЛСИН ТЕННИС

(Давоми. Боши 1-бетда)

мовнинг чорак финалгача бўлган иккита саралаш учрашувида ҳам қўллари баланд келган эди.

Шундай қилиб, ҳал қилувчи учрашув бошланди. В. Отаев — Ҳ. Икромов билан М. Усмонов — Ф. Ғуломов майдонга тушдилар. Аввалига Отаевлар жуфтлигининг ташаббус кўрсатгани аён бўлди. Кейин иккинчи финалчилар ҳам бўш келмай ҳисобни тенглаштиришди. Кичик тўп учун кураш қизғин ва муросасиз баҳсга айланди. М. Усмонов билан унинг ҳамроҳини қўли баланд келди. Ҳисоб 2:1, 3:1, 3:2, 4:2, 5:2 ва ниҳоят 6:2 ҳисобида якунланди. Мухлислар «Ҳавас» мусобақаси ғолибини олқишладилар.

Мусобақанинг тантанали ёпилиши ҳам ўзига хос байрамга айланди. Республика Теннис федерациясининг раиси, Республика Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. Иноятов спортнинг теннис тури саломатликни мустаҳкамлашда алоҳида касб этаётгани, юртимизда халқаро мусобақалар ўтказилиши учун қулай шароитлар яратилаётгани ҳақида сўзлаб, ғолибларни табриклади. Тантанада Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди. Бош соврин эса Мираброр Усмонов билан Фарҳод Ғуломовга топширилади. Сўнг рағбатлантирувчи совринлар эгаларига инъом этилди. Бир сўз билан айтганда ҳавасчилар мусобақаси теннисчи-ю, ишқибозларда ажиб таассурот қолдирди.

ТАНИШИНГ, СОВРИНДОРЛАР:

1-ўрин

Мираброр УСМОНОВ — Бош вазир ўринбосари,

Фарҳод ҒУЛОМОВ — тренер.

2-ўрин

В. ОТАЕВ — Энергетика ва электрлаштириш вазири,

Ҳ. ИКРОМОВ — «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» ҳуқуқшуноси.

3-4-ўринлар

А. НОСИРОВ — Самарқанд шаҳри ҳокими,

Т. САГИТОВ — тренер.

Т. ЖАББОРОВ — Наманган вилояти ҳокими,

В. ДЕРБЕНОВ — тренер.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР:

1) «Ғалабага бўлган иродаси учун» — О. ПАРМОНОВ — Қашқадарё вилояти ҳокими.

Н. ШУТОВ — тренер (Биллур ваза)

2) «Томошабинлар меҳрини қозонганлиги учун» — К. ТЎЛАГАНОВ — Тошкент шаҳри ҳокими.

А. ВЯЛЬЦЕВ — тренер («Совпластитал» вазаси).

3) «Энг назокатли жуфтлик» — З. ФАЙЗИЕВ — «Ўзбексавдо» бирлашмаси раиси.

Ш. НАЖИМОВ.

(Расмлар)

4) «Энг чиройли ўйин учун» — А. НОСИРОВ — Самарқанд шаҳри ҳокими.

Т. САГИТОВ — шаҳар ҳокимияти бўлим мудири (Чинни ваза)

5) «Тараққиёт кубоги» В. ОТАЕВ — Электр ва электрлаштириш вазири. Ҳ. ИКРОМОВ — «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» ҳуқуқшуноси (Биллур ваза).

6) «Энг танти ўйин учун» — Р. АЗИМОВ — Миллий банк раиси. Ш. ТОЛИПОВ — Миллий банк етакчи мутахассиси (Ликопчалар йиғиндиси).

НЕЧУН МАЙДОНГА ТУШАМАН...

Мираброр УСМОНОВ,
Республика Бош вазири ўринбосари

— Назаримда, теннисга ихлос қўйган сира кам бўлмайди. Кичик тўп билан табиат қўйнида яйраб ўйнашга нима етсин. Аввало, бўш вақтинг мазмунли ўтади, ундан оқилона фойдаланасан. Ҳавасчиларга қўшилиб мусобақада иштирок этиш фақат ғолиб бўлишни тақозо этмайди. Ҳамма гап спортнинг бундай севимли турига бошқаларни ҳам эргаштириш.

Азиз НОСИРОВ,
Самарқанд шаҳри ҳокими

— Тўғрисини айтганда аввалари ўзимга ҳам теннис ўйнаш ғалати туюлганди. Энди кичик тўпга шундай меҳрим тушганки, бундай ҳаракатларсиз ҳаётимни тасаввур эта олмаётгандекман. Ўйлайманки, яқин йиллар ичида теннис юртимизда мутлақ оммавийлик касб этади.

Шавкат КАРИМОВ,
Республика соғлиқни сақлаш вазири

— Ёш ҳам ўтиб бораяпти. Зеро, тиббиётчи сифатида шуни яхши биламанки, жисмоний ҳаракат қилган киши ҳамиша тетик, бардам ва соғлом бўлади. Умуман, ҳаётнинг ўзи ҳаракатдан иборат эмасми? Кўп қатори қизғин баҳсда иштирок этиб ўз имкониятларимни чамалаб олганим мен учун ютуқ бўлса керак.

Козим ТЎЛАГАНОВ,
Тошкент шаҳри ҳокими

— Ғоҳида ширин хаёлларга берилиб яқин йилларда пойтахтимиз теннисчилар шаҳрига айланадиёв, деб кўяман. Бунинг учун бизда барча шароитлар етарли. Муҳими теннисга қизиқувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Демак, теннис шунчаки кўнгилочар машқлар эмас. У тобора машқи ортиб бораётган ёшларни «проф» спортчилар сафига жалб этса, ажабмас.

Тўлқин ЖАББОРОВ,
Наманган вилояти ҳокими

— Ҳар сафар «Ҳавас» мусобақасига келганимда эзгуликка бериламан. Гап шундаки, мамлакатимизда теннис кошоналари бунёд этилди ва этилмоқда. Теннис оммавийлашмоқда. Демак, яқин йилларда теннис ишқибозлари футбол ишқибозларини ортда қолдирадилар-ов.

Озод ПАРМОНОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокими

— Жисмоний ҳаракатлар киши руҳини тетиклаштиради. Янгича фикрлашга, элимиз ва юртимизни деб саъй-ҳаркатлар қилишга ундаётгандек бўлади. Қашқа воҳаси томонларда ҳам теннис ҳавасчилари-ю, моҳир спортчилар камол топиб, юртимиз нуфузини оширишга хизмат қиладилар. Эл саломатлигини мустаҳкамлашда теннисниг аҳамияти ортиб бораверади, деган фикрдаман.

Ҳайдар НОСИРОВ,
Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Ўктам ШАРИПОВ,
Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
* * *
8.30 «Қалб наволари». Мусиқий дастур.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шайҳзода».
9.15 «Жаҳон спорти».
9.25 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мульттўплам.
9.35 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Телевизорни учиришни унутманг». Бадиий фильм.
12.05 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
12.30 — 14.00 ЎзТВ хазинасидан. «Гул ва Наврўз». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўнгироқча».
18.30 «Ҳунарманд». Тележурнал.
18.50 «Олам ва одам».
19.10 «Тошбулоқ чироқлари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.30 «Ҳамоҳанг қалблар». Мусиқий дастур.
22.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 6-қисм.
22.40 «Илонлар водийсининг касофати». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот».
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Ойдиндаги қадамлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 Экранда премьера. «Фаришталар ғазаби». Телесериал (АҚШ).
22.05 «Дэнс». Жаҳон рақслари.
22.15 «Даракчи» (рус тилида).
22.25 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.40 — 23.45 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси
17.20 — 20.40
***
20.40 «Дунёқараш». Тележурнал.
*
Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ҳарбий куч». Бадиий фильм.
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон»
«Дидар».
20.55 «Мусиқий танаффус».
21.00 «Бож-хирож».
21.15 «Табиат шифохонаси».
21.25 «Ҳавт карвони».
21.45 «Умр баҳори».
22.05 Кинематограф.
23.25 «Спорт-тайм».
00.05 — 00.15 Хайрли тун!

СЕШАНБА, 12

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
9.05 «Олам ва одам».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 6-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 «Табаррук қадамжолар».
10.25 Инглиз тили.
10.55 «Ҳаёт чашмалари». Публицистик кўрсатув.
11.20 Биржа ва банк хабарлари.
11.35 Чанг тароналари.
12.05 Болалар учун. «Мактублар — қабутарлар».
12.30 Кундузги сеанс. «Келди-ю, кетди». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Жараён».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.50 «Ранглар жилоси».
19.05 «Ҳисобини билганлар». Публицистик кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Қалқон».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Меҳрибон ота-она». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 7-қисм.
22.40 «Ўйғоқ қўнлар». Кинокўрсатув.
22.55 «Узлигинг намоён қил». Телетаниов. Экранда — Навоий вилояти.
23.40 «Ахборот».
00.05 — 00.10 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Еввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Очун».
20.30 «Ахборот».
21.00 Шарқ эстрадаси.
21.10 «Фаришталар ғазаби». Телесериал.
22.00 «Даракчи».
22.10 Спорт қитъаси.
22.40 «Кундалик».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ.
00.30 — 00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
*
Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Юлдузлар мангу ёнади».
22.05 «Моҳирлар моҳири...». Бадиий фильм.
23.40 «Тентек бўйлаб». Манзарали фильм.
23.55—00.15 «Ахборот (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.35 «Тасвир—98».
19.55, 21.45 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 Мусиқий лавҳа.
20.50 «ТВ-IV» да немис тўлқини.
21.10 Мусиқий лавҳа.
21.15 Телефакт.
21.25 Хит-коллекция.
21.50 «Қувноқ кино».
23.20 — 23.30 Хайрли тун!

ЧОРШАНБА, 13

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзлигинг намоён қил». Телетаниов. Экранда — Навоий вилояти.
9.10 «Келажагимиз ворислари».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 7-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Томчи».
10.20 «Муҳаббатим куйлайман». Мусиқий дастур.
10.50 «Талаб ва таклиф».
11.15 «Рақс, рақс, рақс...»
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
12.30 «Чемпион билан учрашув».
12.50 Кундузги сеанс. «Лалварлик овчи». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Маърифат маскани».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ўйин». Мультфильм.
18.20 «Ислоҳот одимлари».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Умр йўллари».
19.05 «Озод ва обод юрт».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Бир жуфт қўшиқ.
21.30 «Сиёсат оламида».
21.55 «Ватанни севмоқ иймондандир»...
22.20 «Отмагай тонг». Мусиқий дастур.
22.50 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 8-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.50 «Ёшлар» телеканали
1. «Билим-ринг». Телебеллашув.
2. «Табассум кўчаларида».
3. «Севгим, севгилим».
01.30 — 01.35 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Ҳонадон».
20.15 «Сўз хусусида сўз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қулгига нима етсин».
21.20 «Фаришталар ғазаби». Телесериал.
22.10 «Даракчи»(рус тилида)
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Экранда — детектив.
00.05 — 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Жесика Ленг «Мовий осмон» фильмида.
23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Азизим».
20.55 «Автосалтанат».
21.05 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.20 «Дурдаршан».
21.50 «Яхши кайфият».
22.45 Кинематограф.
00.05 — 00.15 Хайрли тун!

ПАЙШАНБА, 14

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Эстрада тароналари.
9.10 «Устоз». Телеочерк.
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 8-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.00 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
11.20 «Спортчилар сулоласи».
11.40 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.05 «Шарқ табобати».
12.20 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мульттўплам.
12.30 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
12.50 Кундузги сеанс. «Икки соҳил». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Оламни асранг».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.30 «Тилга эътибор».
18.50 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.25 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
22.00 «Оила». Тележурнал.
22.30 «Битик».
22.55 «Ахборот».
23.20 «Сомон йўли». Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси.
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Бир жуфт қўшиқ.
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 «Мусиқа теграсида».
21.30 «Даракчи».
21.40 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
22.00 «Сир».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Оилавий экран.
23.55 — 24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
17.20 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Моҳир».
*
Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Биз қандай дам оляпмиз?». Телекўрсатув.
22.00 «Тубанлик». Бадиий фильм (Хитой).
22.20 — 23.40 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «ТВ-ташриф».
19.25 «Минг бир маслаҳат».
19.35 «02» тўлқинида.
19.50 Клип.
19.55, 21.50 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Дўстим ҳақида».
21.00 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.30 «Ҳаммаси мода ҳақида».
21.55 «Киносалон».
23.15 — 23.25 Хайрли тун!

ЖУМА, 15

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Янграсин, шўх яллалар». Мусиқий дастур.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Соғлом авлод учун».
9.30 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Меҳр макони».
10.55 «Бола дунёни тебратар».
11.15 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
11.30 «Халқ ижодиёти».
11.50 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мульттўплам.
12.05 «Ўтмишдан садолар».
12.30 Кундузги сеанс. «Уйланиш». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Кетмас давлат бергин».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қушиғим, жон қушиғим».
18.40 «Чорраҳа».
19.00 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Дилрабо дерлар сени». Мусиқий дастур.
22.05 Буюк васият. «Жалолиддин Хоразмшоҳ» телеспектакли ҳақида.
22.40 «Туркий қавмлар».
22.55 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» дам олиш дастури:
23.20 «Азиз сиймолар». Раззоқ Ҳамроев.
23.40 Бадиий фильм.
01.00 — 01.05 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.35 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Хуш келибсиз!».
20.15 «Нозик мўъжиза».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Яхши дам олинг».
21.15 «Фаришталар ғазаби». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Тун».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Саргузашт фильмлар экрани.
23.25 Бокс. Бокс. Бокс.
23.45 Чет эл эстрадаси.
23.55 — 24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
16.50 Киноафиша.
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.
*
Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Таваллуд».
21.45 Оскар совриндорлари: «Табу» (1931 й). Бадиий фильм.
23.25—23.45 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.35 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Ўй остонадан бошланади».
20.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.45 «Наволарда аён этсам».
21.05 «Дурдаршан».
21.40 Кинематограф.
23.00 Араб эстрадаси.
23.30 — 23.40 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 16

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 Тўлқин. «Қайнар хумча». Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
9.55 «Бизни кутар нурли манзиллар».
10.35 «Шоҳрух» клуби.
10.55 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
11.25 «Ёшлар» телеканали.
1. «Орзулар қанотида».
2. «Ёшлик баҳори».
3. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
12.30 «Телеолам».
12.50 «Зиврат».
13.00 Кундузги сеанс. «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-серия.
14.10 «Маънавият». Публицистик кўрсатув.
14.40 — 15.25 «Ўйла. Изла. Топ». Телебеллашув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Кўзғу». Тележурнал.
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
22.15 «Чироғи ёниқ уй». Телетаниов.
22.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.10 «Мусиқий саёҳат».
23.30 «Имкон чўқилари».
23.40 Диққат, премьера. «Мерос». Бадиий фильм. 3-серия.
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.
II
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ў ким? Бу нима?».
8.15 Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм. Бош ролларда — Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов.
9.20 «Мусиқа теграсида».
9.35 «Таянч».
9.55 Спорт қитъаси.
10.25 «Фидойилар». А. Тарковский. 3-қисм.
10.55 «Лавжой». Телесериал.
11.45 «ТВ ва театр».
12.05 Болалар экрани.
13.30 «Онагинам».
13.50 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.40 «Ғазал соғинчи».
15.00 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.50 Бокс. Бокс. Бокс.
16.10 «Ҳонадонингизга осойишталик тилаймиз».
16.40 Бир жуфт қўшиқ.
16.55 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Янги ой чиққан кеча».
19.15 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.15 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 «Энг синчков томошабин совғани учун». Танлов якунлари.
22.10 «Даллас». Телесериал.
22.55 «Даракчи».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ.
00.50 — 00.55 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
16.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.20 «Дашту далаларда». Публицистик кўрсатув.
*
Россия жамоат телевиденеси
16.50 — 23.40
*
23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.55 «Тошкент — эски шаҳар». Телефильм.
IV
10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Шанба эртаги».
11.40 — 12.10 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
(«Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
***
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.50 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ассалом, Франция!».
21.10 «Осиё монитори».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 Киносалон.
23.25 Спорт-марказ.
00.05 — 00.15 Хайрли тун!

ЯКШАНБА, 17

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлар» телеканали.
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Сочининг савдоси тушди».
3. «Эстрада ва ёшлар».
4. «Муҳаббат дарси».
12.30 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
13.15 «Санъат олами».
13.35 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
14.20 — 15.30 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Дўстлик» (Тошкент вилояти). Танаффус пайтида «Мультолам».
18.50 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама»(рус тилида).
20.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
22.25 Спорт дастури:
1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.25 Кино янгиликлари.
23.40 Ўзбек киноси ижодкорлари.
24.00 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 7-серия.
01.00 — 01.05 Ватан тимсоллари.
II
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бугуннинг боласи».
8.20 Дельмар. «Ғариблар». Спектакль. 2-қисм.
9.20 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
9.35 Саргузашт фильмлар экрани.
10.15 «Дойче Велле» тақдим этади.
10.35 «Лавжой». Телесериал.
11.25 «Энг синчков томошабин совғани учун». Танлов якунлари.
12.05 Мультфильм.
12.15 «Қулгига нима етсин».
12.35 «Нозик мўъжиза».
12.45 Болалар экрани.
«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ.
14.10 Кўрсатувлар дастури.
14.15 «Нью-Йорк». Телесериал.
15.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
15.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.05 «Ванесса Мэй мўъжизаси».
16.30 Экранда — премьера. «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
16.55 «Ёрилтош». Мульттўплам.
17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.40 «Буш ўтирма».
19.00 «Нафосат».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.55, 21.00 — Эълонлар
19.30 «Панорама»(рус тилида).
20.00 «Жараён».
20.15 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Даракчи».
22.05 Миллионлар ўйини.
22.25 «Изҳор».
22.45 Якшанба кинозали.
00.25 — 00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
16.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.15 «Цирк, цирк, цирк».
*
Россия жамоат телевиденеси
16.45 — 23.50
*
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.20 «Панорама» (рус тилида).
IV
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип.
15.00 Кундузги сеанс.
16.40 Клип.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевиденеси
*
18.45 «Мультомоша».
19.00, 21.50 — Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 «Бугунги кун мавзуси».
20.00 Клип.
20.10 «Хайрли оқшом!».
20.40 «Мусиқий Олимп».
21.00 Иштирок этувчилар.
21.20 Жаҳон киноси янгиликлари.
21.55 Киносалон.
23.55 «Буржлар башорати».
01.00 — 01.10 Хайрли тун!

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Собир-Хайрулло» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 42-92-45 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент ҳисоб-кредит техникуми томонидан 1983 йилда Рустамова Шоира Инатовна номига берилган № 900046 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 131-мактаб томонидан 1978 йилда Собиров Фахриддин Закирдинович номига берилган Б 314557 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ишлар бошқармасининг бошлиғи Марс Каримовга опаси **Бибихожар БАГАУТДИНОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей